

СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИ ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ЭГАЛЛАБ ОЛИШГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК БЎЙИЧА ЧОРАЛАР КЎРМАСЛИК ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Суюнов Шахзодбек Шовкатович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

“Тергов фаолияти” кафедраси ўқитувчиси

Жуманиёзова Сарвиноз Лаизиз қизи

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

3-босқич курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11147216>

Аннотация: Мазкур мақолада суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик жиноятини тергов қилиш, ушбу жиноятларни малакалашда юзага келаётган муаммолар, суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик фактининг жиноий-ҳуқуқий белгиларини аниқлаш, шунингдек ушбу турдаги жиноятларни и бартараф этиш борасидаги таклифлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Суғориладиган ерлар, криминалистик тавсиф, ҳуқуқий тавсиф, ўзбошимчалик билан эгаллаш, квалификация, кўрсатувлар, текшириш, муносабатлар, ер эгаси, олиб қўйиш, тинтув, ноқонуний фойдаланиш.

Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик жинояти кўпчилик хорижий давлатларда жиноят саналмайди. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига ушбу норманинг киритилишга сабаб сўнги йиллар мобайнида суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик ҳолатлари кўпаймоқда. Ўзбекистон республикаси Бош Прокуратурасининг 2020-йил январь ойида берган баёнотига кўра Бош прокуратура ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга доир жавобгарлик кучайтирилганлигига қарамасдан, ушбу тоифадаги ҳуқуқбузарликлар сони ошиб бораётганини маълум қилди.

Шунингдек, турар жойи аҳоли пунктларининг бош режалари лойиҳаларига тўғри келмаганлиги, шаҳарсозлик нормаларига риоя этилмаган ҳолда қурилганлиги, улар табиий хавфи юқори бўлган ҳудудда жойлашганлиги ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузганлиги сабабли 179 824 таси рад этилган. Қолган 178 711 та мурожаатни кўриб чиқиш давом этмоқда.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири эканлигини инобатга олиб, бундай тоифадаги ерларни талон-тарож қилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида 2019 йил 4 мартда тегишли қонунларга ўзгартиришлар киритилди.

Соҳада амалга оширилган чора-тадбирлар, яратилаётган қулай шарт-шароитларга, шунингдек ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга доир жавобгарлик кучайтирилганлигига қарамасдан, ушбу тоифадаги ҳуқуқбузарликлар сони ошиб бораётганлигини айтиб ўтган.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар 2020-йилининг 19-январь куни Ўзбекстон Республикасини Жиноят кодексининг “Экология соҳасидаги жиноятлар” бобига янги жиноят турини ўзида акс эттирган 1971-модда яъни, “Суғориладиган ерларни

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик га чоралар кўрмаслик” киритилган. Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик жинояти кўпчилик хорижий давлатларда жиноят саналмайди. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига ушбу норманинг киритилишга сабаб сўнги йиллар мобайнида суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик ҳолатлари кўпаймоқда.

Ўзбекистон республикаси Бош Прокуратурасининг 2020-йил январь ойида берган баёнотига кўра Бош прокуратура ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга доир жавобгарлик кучайтирилганлигига қарамасдан, ушбу тоифадаги ҳуқуқбузарликлар сони ошиб бораётганини маълум қилди.

Тошкент вилоятида 2019 йилнинг декабрь ойида 9 169 та ҳолатда 1 203 гектар ер майдони ўзбошимчалик билан эгалланганлиги, 3 753 та ҳолатда 364 гектар ер майдонида ўзбошимчалик билан қурилиш қилинганлиги аниқланди, дея хабар қилади Бош прокуратура матбуот хизмати. Бундай салбий ҳолатлар республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам кузатилмоқда.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида Бош прокуратура томонидан соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш чоралари кўрилмоқда, дейилади хабарда.

Қайд этилишича, Ўзбекистон президентининг 2018 йил 20 апрелдаги фармонига мувофиқ, ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича 2019 йил 1 майга қадар умумдавлат акцияси ташкил этилган эди.

Бундан кўзланган асосий мақсад аҳолининг уй-жойга доир ҳуқуқларининг амалга оширилиши ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, ер участкаларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, шунингдек, фуқароларга тегишли бўлган турар жойларни давлат рўйхатидан ўтказишда қўмаклашишдан иборат.

Ушбу акция доирасида ўзбошимчалик билан қурилган турар-жойларга эгалик ҳуқуқини эътироф этиш ҳақида Давлат хизматлари марказларига 932 748 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 574 213 таси қаноатлантирилган.

Шунингдек, турар жойи аҳоли пунктларининг бош режалари лойиҳаларига тўғри келмаганлиги, шаҳарсозлик нормаларига риоя этилмаган ҳолда қурилганлиги, улар табиий хавфи юқори бўлган ҳудудда жойлашганлиги ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузганлиги сабабли 179 824 таси рад этилган. Қолган 178 711 та мурожаатни кўриб чиқиш давом этмоқда.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири эканлигини инобатга олиб, бундай тоифадаги ерларни талон-тарож қилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида 2019 йил 4 мартда тегишли қонунларга ўзгартиришлар киритилди.

Соҳада амалга оширилган чора-тадбирлар, яратилаётган қулай шарт-шароитларга, шунингдек ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга доир жавобгарлик кучайтирилганлигига қарамасдан, ушбу тоифадаги ҳуқуқбузарликлар сони ошиб бораётганлигини айтиб ўтган.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар 2020-йилининг 19-январь куни Ўзбекстон Республикасини Жиноят кодексининг “Экология соҳасидаги жиноятлар” бобига янги

жиноят турини ўзида акс эттирган 1971-модда яъни, “Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик га чоралар кўрмаслик” киритилган.

2020 йил 1 мартдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, ерга нисбатан мулк дахлсизлиги борасида бир қанча ўзгаришлар бўлди. Ер табиий ресурслар ичида ўзига хос алоҳида ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, мавжуд барча табиий ресурслардан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари бевосита ер билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларга бориб тақалади.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида табиий ресурсларга, хусусан, ерга нисбатан мулкий муносабатларни белгилашда ҳуқуқ тизимимизга бир қанча янгиликлар киритилди. Мамлакатимизда ер-ҳуқуқий ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилиб, бунда ердан фойдаланишнинг бозор шароитига мос келувчи янги шакллари жорий қилинди ҳамда улар мунтазам равишда такомиллашиб бормоқда. Хусусан, даставвал ерга нисбатан ашёвий ҳуқуқлар маҳаллий ҳокимият органлари томонидан сотила бошланган бўлса, кейинчалик ер участкаларининг ўзи савдо ва хизмат кўрсатиш мақсадларида хусусийлаштирила бошланди. Эндиликда эса, фуқароларнинг уй-жойлари жойлашган ҳамда уларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкалари, юридик шахсларнинг бино-иншоотлари билан банд бўлган ва уларнинг доимий фойдаланиш ҳуқуқида бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш назарда тутилмоқда.

Юқорида қайд этилган ислохотлардан кўзланган натижалар кутилган даражада ўз самарасини бермаяпти. Афсуски аҳоли айнан суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик га чоралар кўрмаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланганлиги ҳақида маълумотларга эга эмас. Бу эса кўп ҳолларда ушбу жиноятларнинг содир этилишига имкон яратмоқда.

Аҳолининг кенг қатламлари орасида суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жиноий жавобгарлик белгиланганлиги ҳақида маълумотлар етарли даражада эмас. Кўпчиллик ҳолларда ер эгалари, ижарачилар ва ердан фойдаланувчилар ушбу қилмиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган деган хато хулосага келиб нафақат Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик жиноятини балки бошқа мансабдорлик жиноятларни ҳам содир этмоқда. Ушбу турдаги жиноятлар содир этилганидан сўнг дастлабки тергов олиб борган орган жиноятларнинг содир этилишига имкон берган сабаб ва шароитларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини етарли даражада самарали ташкил этмаяпти.

Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик жиноятларининг содир этилишининг олдини олиш мақсадида аҳолининг кенг қатлами орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш лозим бўлади. Тарғибот-ташвиқот ишларин олиб боришда оммавий-ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Оммавий-ахборот воситаларида тарғибот ишларини олиб бориш давомида айнан қандай қилмиш қонунга хилофлиги ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 1971-

моддасида кўрсатиб ўтилган жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши мумкинлиги, ушбу турдаги жиноятларнинг йил давомида қанча миқдорда содир этилаганлиги ва қанча одам жиноий жавобгарликка тортилганлиги ҳақидаги маълумотларини етказиб бориш керак бўлади.

Бундан ташқари, дастлабки тергов давомида жиноят содир этилишига имкон берган сабаб ва шароитларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома ижросини таъминлаш лозим бўлади. Зарур ҳолларда тақдинома киритиш йўли билан айрим маъсул мансабдорларни интизомий жазо чораларини кўриш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик жиноятлари ҳозирги кунда бир ёқлама тергов қилинмоқда. Бунга сабаб ушбу турдаги жиноятлар бўйича дастлабки терговни олиб бораётган терговчиларда айнан Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чораларни кўрмаслик жиноятларини тергов қилиш малакасининг етарли даражада эмаслиги сабаб бўлмоқда. Айнан ушбу турдаги жиноятларни тергов қилиш давомида айрим мансабдорлик жиноятлари ва Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар ёпиқлигича қолиб кетмоқда. Юқорида санаб ўтилан жиноятларнинг очилмасдан қолиб кетишига терговчиларнинг етарли малакага эга эмаслиги ва бошқа омиллар сабаб бўлмоқда.

Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик жиноятлари бўйича дастлабки терговни олиб борадиган терговчиларни айнан шу турдаги жиноятларни тергов қилиш муаммолари ҳамда жиноятларни ҳар томонлама, тез ва холисона тергов қилиш йўллари бўйича қайта ўқитиш дастурларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Терговчиларни қайта ўқитиш давомида суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик жиноятларини тўғри квалификация қилиш, ушбу турдаги жиноятларни фирибгарлик, ўзлаштириш ва растрата қилиш жиноятларидан фарқлари тўғрисида терговчиларга етарли маълумотлар бериш лозим бўлади.

Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик ҳодисасини бугунги кунда ўз вақтида аниқлаш анча қийинчилик туғдирмоқда. Ер эгаси, ундан фойдаланувчи ва ер ижарачиси кўпчиллик ҳолларда суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги фактини билмайди, шунинг учун, ушбу ҳуқуқбузарликни олдини олишга қаратилан чораларни ўз вақтида кўра олмайди ва шундан сўнг биз тадқиқ қилаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки ушбу турдаги жиноятни тезда аниқлаш ва ўз вақтида қонуний чора кўришнинг ягона тизими жорий қилинмаган. Ҳозирги кунга келиб ушбу турдаги жиноятларнинг аксарияти ҳудудларда профилактика инспекторлари томонидан аниқланмоқда. Маълумки профилактика инспекторлари ўз хизмат вазифасини бажариш давомида тез-тез хизмат жойларини алмаштириб туришади бу эса ҳудудларда жойлашаган ер майдонларининг тузилиши ва аслида кимга тегишлилигини аниқлашда бир мунча ноқулайликлар келтириб чиқаради.

Давлат кадастр тузилмалари томонидан ҳам ушбу турдаги ҳолатлар аниқланади лекин Давлат кадастр тузилмалари спутник орқали суғориладиган ерларнинг назоратини олиб боради, бу эса агар ерларга уй-жой қурилган ҳолларда буни аниқлаш

имкониятини беради. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерлардан шунчаки мавсумий деҳқончилик мақсадида фойдаланилса давлат кадастр хизматлари томонидан Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик ҳолатларини аниқлаш бир мунча қийинчилик туғдиради.

Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик ҳодисасини аниқлашда маҳалла фуқаролар йиғинларидан кенг фойдаланиш тизимини жорий этиш лозим бўлади. Фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳар мавсумий экинларни экилиши билан МФЙ тегишли комиссиялари олдида ҳисобот бериш тизимини жорий этиш лозим бўлади. Юқорида қайд этилган ҳисобот бериш тартиби оилавий яни ўз ер участкаларидан фойдаланувчи ер эгаларига талукли эмас деб белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Агарда биз тадқиқ қилаётган моддада кўрсатилган жиноят содир этилганлиги ҳолати аниқланса МФЙ раиси тегишли тартибда маъсул далат органларига тақдимнома киритиш йўли билан ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олиш ва содир этилганларига нисбатан тезда қонуний чоралар кўрилишини таъминлайди.

References:

1. *Б.Б.Муродов. Жиноят-процессуал қонун нормаларини эркинлаштириш йўллари // Олий юридик ўқув юртларида инсон ҳуқуқлари муҳофазасини таъминловчи фанларнинг ўқитишнинг замонавий муаммолари. Тошкент. Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети. – 2009. Б. 66-69.*
2. *Б.Б.Муродов. Жиноят-процессуал муносабатларда ҳимоячининг иштироки // “Адвокатлик фаолияти: назария ва амалиёт масалалари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. ЎЗР Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти. – Тошкент, 2010. Б. 171-175.*
3. *Б.Б.Муродов. Хусусий айблов институтини қўллаш самарадорлигини ошириш йўллари // Хусусий айблов ва ярашув институтларини такомиллаштириш чоралари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015 й. Б. 34-40.*
4. *Б.Б.Муродов. “Жиноятларни тергов қилиш методикаси” фанидан ўқув дастури. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. Б.24*
5. *Б.Б.Муродов. Предварительное следствие в органах внутренних дел. Учебник. Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2014. 395 Б.*
6. *Ш.Ш.Суюнов. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни квалификация қилишнинг муҳим жиҳатлари. “Талқин ва тадқиқотлар” Республика илмий-услубий журналы 10-сон. 01.10.2022 йил Б. 105-109.*
7. *Ш.Ш.Суюнов. Kompyuter texnika vositalari orqali sodir etilgan firibgarlik jinoyati turlari. “Замонавий дунёда педагогика ва психология” номли Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi. 9.06.2023 йил <https://doi.org/10.5281/zenodo.8019653> Б. 45-48.*
8. *Ш.Ш.Суюнов. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатининг жиноят содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларнинг айбини исботлашдаги*

аҳамияти. “Замонавий дунёда педагогика ва психология” номли Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi. <https://doi.org/10.5281/zenodo.8019766> Б. 60-62.

9. Ш.Ш.Суюнов. Some aspects of qualifying drug-related crimes. Корея Республикасининг “Digital Fashion Conference” журнали 5.10.2022 йил Б. 13-15

10. А.Т.Аширбоев. Айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум бўлган ҳолларда жиноят ишини тўхтатишнинг назарий ва амалий жиҳатлари. Жамият ва инновациялар № 1 (2024).– 2024. – 314-320 б.

11. А.Т.Аширбоев. Жиноят ишини тўхтатиш тушунчаси ва аҳамияти. Эксперт-криминалистик фаолият: истиқболлар ва инновациялар мавзусидаги халқаро конференция материллари тўплами. Т., Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, 2023. – Б. 381-388.

12. А.Т.Аширбоев. Айбланувчининг иштирокини таъминлаш имкони бўлмаган тақдирда дастлабки терговни тўхтатиш: Назария ва амалиёт. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг Ахборотномаси № 1 (2024).– 2024. – 95-98 б.

13. А.Й.Абдуллаев. Гувоҳнинг ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериши жиноятларини содир этиш изларининг юзага келиш механизмларининг ўзига хос жиҳатлари. Сиёсатшунослик, ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар журнали. 2023 йил.

14. А.Й.Абдуллаев. Гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатув бериши сабаблари. Евразийский журнал права, финансов и прикладных. 2023 г.

15. А.Й.Абдуллаев. Гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилишнинг тактик жиҳатлари. Евразийский журнал права, финансов и прикладных. 2022 г.

16. А.Й.Абдуллаев. Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятининг сабаблари ва уни содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар (Хоразм вилояти мисолида). Евразийский журнал права, финансов и прикладных. 2023 г.

17. Ж.Т.Холмўминов, Экологик таҳдидларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ҳуқуқий муаммоларининг илмий-назарий таҳлили. Монография. Тошкент.,- 2016

18. Лесное законодательство зарубежных стран.-Москва,1973

19. Ғ.А. Абдумажидов, А.Й.Норбоев Т.Арипов Криминалистика. Дарслик II-жилд.ТДЮИ нашриёти.2008.;

20. Криминалистика. Дарслик. Б.Маматкулов, И.Астановва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,2015.

21. Рустамбоев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм.Экология соҳасидаги жиноятлар. ОТМ учун дарслик. – Т.: «ТДЮИ» нашриёти, 2009.-5